

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг коррупцияга қарши курашиш СИЁСАТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг (кейинги ўринларда Академия деб юритилади) коррупцияга қарши курашиш сиёсати (кейинги ўринларда Сиёсат деб юритилади) ходимлар ўртасида ҳамда жамиятда коррупцияга қарши курашиш маданияти даражасини ошириш мақсадида уларнинг юксак ахлоқий фазилатларга содиқлигини, шунингдек, фаолиятда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга мурасасизлик ва уларни содир этишга йўл қўймасликни белгилайди.

2. Сиёсат ISO 37001 “Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизимлари” халқаро стандарти талабларини инобатга олган ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро ташкилотлар тавсиялари ва етакчи халқаро амалиёт, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, Бош прокурор ва Академия бошлиғининг буйруқлари, кўрсатма ва топшириқлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

3. Академияда коррупцияга қарши курашишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

Академия, унинг раҳбарияти, ходимларини ва талабаларини (тингловчиларни) коррупцион фаолиятга жалб қилиш хавфини минималлаштириш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш;

Академия фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

Академияда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларнинг оқибатлари, уларга олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш;

Академиянинг коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равишда такомиллаштириш.

4. Сиёсат Академиянинг ички ҳужжати сифатида юқорида кўрсатилган асосий мақсадларга эришиш учун Академия фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга барҳам беришга қаратилган асосий талаблар ва тамойилларни белгилаб берувчи асос ҳисобланади.

5. Мазкур Сиёсатнинг талаблари эгаллаб турган лавозими, бажарадиган вазифа ва функцияларидан қатъий назар Академия билан меҳнат муносабатларига киришган барча шахсларга нисбатан татбиқ этилади. Улар ушбу Сиёсат билан имзо қўйган ҳолда танишишга ва унинг қоидаларига риоя қилишга мажбур.

6. Ушбу Сиёсат мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалар ва атамалар қўлланилади:

алоқадор шахслар – ходимнинг яқин қариндошлари, ходим ва (ёки) унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) акцияларига ёки улушларига эгалик қилса, шунингдек юридик шахсда бошқарув органининг раҳбари ёки аъзоси бўлса, ўша юридик шахс;

меҳмондўстлик белгиси – этикет қоидаларига мувофиқ нонуштага, кофе-брейкка, тушликка, кечки овқатга ва оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларига таклиф қилиш;

коррупцияга қарши курашиш талаблари бузилганлиги тўғрисида хабар бериш – ходимнинг коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги (содир этишга суиқасд) тўғрисида тасдиқланган алоқа каналлари орқали асослилигига ишонч ҳосил қилган ҳолда мурожаат йўллаши;

контрагент (шартномавий шерик) – Академия билан шартномавий муносабатларга (меҳнат муносабатлари бундан мустасно) киришган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан пора берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги учун бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали порани яъни пул, қимматбаҳо қоғозлар, бошқа мол-мулкни, мулкый тусдаги хизматларни, бошқа мулкый ҳуқуқларни олиш, талаб қилиш, таклиф қилиш, ваъда қилиш ва бериш, шунингдек, пора бериш ва (ёки) олишда воситачилик қилиш, расмийтчиликларни соддалаштириш учун тўловларни олиш, ходим томонидан пора олиш ёки ҳуқуққа хилоф бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция белгиларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

коррупцияга қарши ички идоравий механизм – амалдаги қонунчилик ва ички ҳужжатларнинг коррупциявий ҳаракатларни содир этишга қарши курашишни, ходимлар томонидан юқори даражада касбий ва ахлоқий фаолият олиб боришларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;

коррупцияга қарши курашиш тизими – коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда унинг олдини олишга қаратилган коррупцияга қарши ички идоравий механизмлар;

коррупциявий хавф-хатар – ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан Академия номидан ўзларининг манфаатларини кўзлаб коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш эҳтимоли ва хавфи;

манфаатлар тўқнашуви – шахснинг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг ўз лавозим ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган (мавжуд манфаатлар тўқнашуви) ёки юзага келиши мумкин бўлган (эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви) вазият;

тингловчилар ва талабалар (кейинги ўринларда таълим олувчилар деб юритилади) – Академияда таълим олаётган бакалавриат, магистратура босқичи талабалари, олий таълимдан кейинги таълимни амалга ошираётган докторантлар, шунингдек хизмат мажбурияти асосида малакасини ошираётган ходимлар;

шахсий манфаатдорлик – Академиянинг ходими ёхуд у билан алоқадор шахслар ушбу ходим томонидан бевосита ёки билвосита қарор қабул қилиниши ёки ходимнинг ушбу жараёнда бошқача тарзда иштирок этиши натижасида олиши мумкин бўлган ҳар қандай наф ёки афзаллик;

ходим – Академиянинг аттестациядан ўтказилиши назарда тутилган лавозимларида хизмат ўтаётган жисмоний шахслар;

яқин қариндошлар – ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари.

2-боб. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий тамойиллари

7. Академиянинг коррупцияга қарши курашиш тизими қуйидаги тамойилларга асосланиб амалга оширилади:

икки босқичли текширув – юридик аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар бўйича қарор қабул қилишда битта шахс иштирок этишга йўл қўйилмайди;

қонунийлик – Академияда коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар жаҳонда тан олинган амалиётни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари, Бош прокурор ҳамда Академия бошлиғининг буйруқларида белгиланган ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади;

коррупцияга муросасизлик – Академия ходимлари ўз фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларига муросасиз муносабатда бўлади ва коррупциявий хавф-хатар келиб чиқиши мумкин бўлган фаолиятда бевосита ёки билвосита иштирок этиш тақиқланади;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги – коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этган Академия ходимлари ўзининг мақоми ва эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар Академиянинг ички ҳужжатлари ва амалдаги қонунчиликка

мувофиқ жавобгарликка тортиладилар;

очиқлик ва шаффофлик – Академияда коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида ходимлар, контрагентлар ва кенг жамоатчиликни хабардор қилинади;

техника тараққиётининг ютуқларидан фойдаланиш – Академиянинг коррупцияга қарши курашиш тизимини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда илм-фан тараққиётининг сўнгги ютуқларидан, шу жумладан, интеграциялаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланишга интилиш;

тўғридан-тўғри раҳбариятга мурожаат қилиш – Академия ҳар бир ходими коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги тўғрисида ишончли ва асосли маълумотлар мавжуд бўлганда белгиланган чораларни кўриш учун тўсқинликсиз Академия раҳбариятига мурожаат қилиши мумкин;

фуқаролик жамияти вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик – Академия ходимлари ўзларига юклатилган функцияларни бажаришда қонунийлик, ҳалоллик ва холисликни таъминлаш мақсадида жамоатчилик назоратини амалга оширувчи фуқаролик жамияти вакиллари жалб этиши мумкин;

коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равишда такомиллаштириш – коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни амалга ошириш натижаларига кўра Академия коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлигини тўхтовсиз равишда ошириш чораларини кўрадилар.

3-боб. Коррупцияга қарши курашиш курашиш тизими

8. Коррупцияга мурасасизлик тамойилига таянган ҳолда Академия ходимларига коррупция билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатларда иштирок этиш, яъни пора берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши ёки ҳаракатсизлиги учун бевосита ёки билвосита пора (пуллар, қимматбаҳо қоғозлар, бошқа мол-мулк, мулкый тусдаги хизматларни) беришни талаб қилиш, ваъда бериш ва пора бериш, тамагирлик қилиш, пора бериш ва (ёки) олишда воситачилик қилиш, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловларни олиш, шахс томонидан пора олиш ёки ғайриқонуний бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиши қатъиян тақиқланади.

9. Ушбу Сиёсат мақсадларидан келиб чиқиб қуйидагилар Академиянинг коррупцияга қарши ички идоравий механизмлар ҳисобланади:

а) коррупцияга қарши курашиш бўйича асосий ички ҳужжатлар мавжудлиги, яъни Академияда коррупцияга қарши курашиш ички тизимининг асосини:

мазкур Сиёсат;

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларининг Ахлоқ кодекси;

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида манфаатлар

тўқнашувини олдини олиш тартиби;

б) *“Юқоридан қуйига муносабат” – Юқори даражада раҳбарлик намунаси:*

Академиянинг раҳбар ходими ўзига бўйсунувчилар, фуқаролар ва юридик шахслар билан муносабатларда ҳалол, адолатли ва холис хулқ-атвор намунаси бўлиши керак;

Академия бошлиғи, ўринбосарлари ва раҳбар ходимлари коррупцияга қарши курашиш самарали ички идоравий механизмларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қуйидагилар орқали етакчилиكنи намоён этади:

Академиянинг коррупциявий хавф-хатар мавжуд функцияларида коррупцияга қарши курашишнинг самарали чора-тадбирларини жорий этиш;

ўз мансаб мажбуриятларини бажаришда Академия ходимларида коррупциянинг барча шакллари ва кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантирган ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчилик нормалари ва қабул қилинган ички ҳужжатларга риоя қилиш ва ахлоқий хулқ-атвор юзасидан шахсий намуна кўрсатиш;

в) коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш:

Академиянинг коррупциявий ҳаракатларга “мутлақо тоқатсизлик”ни ҳисобга олган ҳолда Академияда коррупциявий хавф-хатарларнинг юзага келиш эҳтимоли ва таъсир қилиш даражасидан қатъий назар уларни бошқариш заруратини тан олади;

Академия функцияларининг хусусияти, ташкилий тузилмаси, жамият ва бошқа шахслар билан ўзаро фаолият олиб боришига ҳамда бошқа ички ва ташқи омилларга боғлиқ ҳолда ўз фаолиятига хос бўлган коррупциявий хавф-хатарларни аниқлайди ва баҳолайди;

коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш доирасида Академия фаолиятининг барча соҳалари коррупциявий хавф-хатарига кўпроқ учрайдиган функцияларни аниқлаш мақсадида таҳлил қилинади, уларда мавжуд бўлган коррупцияга қарши курашишни назорат қилишнинг барча шакллари ва тартиб-таомиллари аниқланган хавф-хатарларни камайтириш учун етарлилиги жиҳатидан таҳлил қилинади. Академиянинг Шахсий хавфсизлик бўлими хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш жараёнини мувофиқлаштиради ва натижаси юзасидан раҳбариятга ахборот беради;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш йилига камида бир марта амалга оширилади. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари Академиянинг раҳбарияти томонидан кўриб чиқилади, шунингдек аниқланган хавф-хатарларни камайтирувчи коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлар Академиянинг коррупцияга қарши курашиш дастурларида акс эттирилади;

г) коррупцияга қарши курашиш учун масъул шахслар ва бўлинмалар:

Академияда коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали тизимни йўлга қўйиш мақсадида Академияда коррупцияга қарши курашишни ташкил этиш ва назорат қилиш жараёни учун масъул этиб Шахсий хавфсизлик бўлими белгиланган;

Шахсий хавфсизлик бўлими Академияда коррупцияга қарши курашиш бўйича вазифаларни амалга оширишда етарли даражада мустақилликка ва муҳим ресурсларга эга бўлиб, бевосита Академия бошлиғига бўйсунди ва ўз фаолиятини Академия бошлиғи томонидан тасдиқланган Шахсий хавфсизлик бўлими тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширади.

Шу билан бирга, Шахсий хавфсизлик бўлими Академиянинг коррупцияга қарши курашиш тизими билан боғлиқ ҳар қандай масала ёки муаммо юзага келган тақдирда, тўғридан-тўғри ва тезкор тарзда Академиянинг бошқарув органига ва юқори раҳбариятига мурожаат қилиш имкониятига эга/ имконияти таъминланади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Шахсий хавфсизлик бўлими томонидан амалга оширилади;

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширишда Академиянинг Кадрлар бўлими Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш тартиби ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ белгиланган тартибда ва ҳажмда ходимлар ва алоқадор шахсларнинг яқин қариндошлари тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида ва тизимли йиғиш, таҳлил қилиш ва янгилаб бориш учун масъул ҳисобланади;

Академияда манфаатлар тўқнашувини бошқаришда Кадрлар бўлими ва Одоб-ахлоқ кенгаши Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш тартиби асосида иш юритади;

д) аниқланган коррупциявий хавф-хатарни минималлаштирувчи коррупцияга қарши курашиш чоралари:

Академия ўз фаолияти ва функцияларидаги коррупциявий хавф-хатарли йўналишларда умумий назорат муҳитини ва коррупцияга қарши курашиш назорат ҳамда тартиб-таомилларни ўз ичига олувчи коррупцияга қарши курашишнинг комплекс тизимини жорий этадилар;

Академия коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишига ва коррупциявий хавф-хатарларга кўмаклашувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган превентив чора-тадбирларни амалга оширишга устувор аҳамият беради;

коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар аниқланган хавф-хатарлар даражасига мувофиқ келадиган ҳамда Академиянинг барча функциялари ва йўналишларига интеграция қилинадиган Академиянинг коррупцияга қарши курашиш тизимига мувофиқлаштирилади;

Академия коррупцияга қарши курашишни назорат қилиш ва тартиб-таомилларнинг самарадорлиги, жумладан, уларнинг аниқланган хавф-хатар даражасига мутаносиблиги, Академия ходимлари учун қатъийлиги ва аниқлиги, фуқаролик жамияти учун шаффофлигини таъминлашга интиладилар;

амалга ошириладиган тадбирлар, шунингдек, коррупцияга қарши

курашиш бўйича назорат чоралари Академиянинг коррупцияга қарши курашиш бўйича йўл харитасида акс эттирилади ҳамда тегишли ички ҳужжатларда белгиланади;

й) ахборотлаштириш, коммуникация ва маслаҳат бериш:

коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ва Академиянинг коррупцияга қарши курашиш тамойиллари ва талаблари ҳақида жамиятнинг хабардорлигини ошириш мақсадида, мазкур Сиёсат ва Академиянинг коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлари тўғрисидаги асосий маълумотлар уларнинг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтларига жойлаштирилади;

Академия коррупцияга қарши курашиш амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари ва коррупцияга қарши курашиш жорий этилган тамойиллар ва талаблар ҳақида Академия ходимлари ва бошқа манфаатдор шахсларни хабардор қилиш ва тушунтириш бўйича қуйидагилар орқали чора-тадбирларни амалга оширади:

Академия ходимларини уч йилда камида бир марта коррупцияга қарши курашиш асослари бўйича доимий ва тизимли ўқитиш, шу жумладан, ишга янги қабул қилинаётган ходимларни ушбу Сиёсат ва коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқа ички ҳужжатлар билан мажбурий тартибда таништириш билан биргаликда уларни коррупцияга қарши курашиш бўйича мажбурий курсларда ўқитиш. Коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар учун Академияда коррупцияга қарши курашиш бўйича қўшимча таълим дастурлари белгиланади. Ўтказилган ўқиш/тренинглар ҳақидаги маълумотлар Кадрлар бўлимида қонунчиликда белгиланган тартибда сақланади;

Академия ходимлари ва фуқароларнинг коррупцияга муросасиз муносабатини шакллантириш бўйича ва коррупцияга қарши курашиш амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида хабардорлигини оширишга қаратилган тематик аудио ва видеороликлар ҳамда бошқа ахборот маълумотларидан фойдаланган ҳолда коррупцияга қарши курашиш тадбирлари ўтказиш;

Академия ходимлари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги гумонлар ёки фактлар, коррупциявий хавф-хатарлар ва бошқалар (коррупция фактлари ҳақида хабар берилиши мумкин бўлган усуллари тўғрисидаги батафсил маълумот мазкур Сиёсатнинг 4-бобида назарда тутилган) ҳақида хабар берилиши мумкин бўлган алоқа каналлари билан таъминлаш;

мазкур Сиёсат қоидаларини қўллаш ёки Шахсий хавфсизлик бўлими томонидан коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлар ва тартиб-таомилларни амалга ошириш билан боғлиқ саволлар келиб чиққанда Академия ходимларига маслаҳатлар бериш;

тасдиқланган режага мувофиқ коррупцияга қарши курашиш юзасидан ташвиқотлар ўтказиш;

контрагентларни коррупцияга қарши курашиш, қабул қилинган талаблар ва тамойиллар ҳақида, шу жумладан, улар билан тузиладиган шартномаларга коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус шартларни

киритиш тўғрисида хабардор қилиш ва ҳ.к.;

ж) мониторинг, назорат ва ҳисобот:

Шахсий хавфсизлик бўлими Академияда коррупцияга қарши курашиш амалга оширилган чора-тадбирларнинг етарлилиги, мутаносиблиги ва самарадорлигини баҳолайди ҳамда доимий мониторингини олиб боради. Ўтказилган мониторинг натижалари бўйича Академиянинг коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш юзасидан тегишли чоралар кўрилади.

Академияда мониторинг ва назорат қилишнинг қуйидаги тартиб-таомиллари амалга оширилади:

Академия фаолияти ва функцияларидаги ўзгаришлар, уларнинг ташкилий-функционал тузилмасидаги ўзгаришлар ҳамда бошқа ички ва ташқи омилларнинг Академиянинг коррупцияга қарши курашиш тизимига таъсирини, мазкур тизимга ўзгартириш киритиш заруриятини таҳлил қилиш, шу жумладан, уни амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

тасдиқланган режага мувофиқ самарасиз назорат ва тартиб-таомилларни аниқлаш учун уларни тўғрилаш ва Академиянинг коррупцияга қарши курашиш тизимининг ишончлилиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида танлов асосида Академиянинг функциялари ва ички жараёнларни мониторинг қилиш;

ички ва (ёки) ташқи текширувларни ўтказиш жараёнида Академия ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича талабларга риоя қилинишини назорат қилиш.

Шахсий хавфсизлик бўлими ва бошқа таркибий тузилмаларга юклатилган коррупцияга қарши чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тегишли тартибда амалга оширилиши устидан назорат олиб боради.

Академиянинг коррупцияга қарши курашиш тизимини назорат қилиш ва мониторинги бўйича чора-тадбирлар натижалари Академия бошлиғи ва Академия кенгашининг йиғилишида Шахсий хавфсизлик бўлимининг ҳисоботларида ўз аксини топади;

Академиянинг коррупцияга қарши курашиш тизими ҳолатини ўрганиш Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ амалга оширилади.

з) ҳуқуқбузарликларга нисбатан муносабат билдириш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш:

мазкур Сиёсатга амал қилиш ва Академияда коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларига риоя қилиш ҳар бир ходим учун ўз хизмат мажбуриятларининг бажарилиши доирасида мажбурийдир. Ходимлар белгиланган талаб ва тартиб-таомилларни бузганлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланадилар. Бундан ташқари, бевосита раҳбарлар ўз бўйсунувидаги ходимлар томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг содир этилганлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланадилар;

коррупцияга қарши курашишга оид белгиланган талаблар ва

тамойилларни бузган Академия ходимлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда ва асосларда интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар;

ходимлар уларни коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликни содир этишга ундовчи шахсларнинг ҳар қандай мурожаатлари тўғрисида, шунингдек, бошқа ходимлар томонидан содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида ўзига маълум бўлган ҳар қандай фактлар ҳақида ўз раҳбарларига ва Шахсий хавфсизлик бўлимига хабар беришлари шарт;

коррупцияга “мутлақо тоқатсизлик” тамойилини ҳисобга олган ҳолда, Академия ходимларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишлари билан боғлиқ ҳар қандай асосли маълумотлар бўйича хизмат текширувлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ ва ички ҳужжатларда белгиланган тартибда ўтказилади;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик аниқланган тақдирда Академия уларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини таҳлил қилади ва доимий асосда Академиянинг коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштиради;

Академия коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва текшириш учун бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва давлат органлари билан ҳамкорлик қилади.

4-боб. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари

1§. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш

10. Академия ходимлари ўз хизмат мажбуриятларини бажариш ва (ёки) Академия манфаатларини ифодалаш доирасида виждонлилик ва ҳалоллик тамойилларига амал қилиши, шахсий манфаатларини кўзлаб ўзларининг хизмат мавқеидан ва (ёки) Академиянинг мол-мулкидан фойдаланмаслик ва манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган вазиятлардан сақланишлари лозим.

11. Академия ходимлари хизматга қабул қилинишида, бошқа лавозимга ўтказилишида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлиги ҳақидаги маълумотларни ҳар йили ва тегишли вазиятлар/ҳолатлар юзага келишига қараб ошкор қилишга мажбурдирлар. Академия ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш ва уни ҳал қилиш жараёни Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш тартибига мувофиқ амалга оширилади.

12. Академия ходими ўзига алоқадор бўлган шахсларга тааллуқли ишларда, шу жумладан баҳолашда, илмий ишларни муҳокамасида (илмий раҳбарлик бундан мустасно), танлов комиссиясида, ўрганиш ишчи гуруҳларида, экспертиза ўтказишда, имтиҳон ва бошқа ўқув-назорат тадбирларида иштирок этиши тақиқланади.

2§. Совғалар ва иш жараёнида меҳмондўстлик белгилари

13. Академия ходимлари ўз хизмат мажбуриятларини бажариш

билан боғлиқ ҳолда жисмоний ва юридик шахслардан бирон-бир совға ёки иш жараёнида меҳмондўстликнинг белгилари, қарз, кафолатлар, кафилликлар, мукофотлар шаклида рағбатлантириш воситаларини, нақд пул маблағлари ёки уларнинг эквиваленти, қимматли қоғозлар кўринишида моддий ва номоддий ёрдам (хизмат) қабул қилиши тақиқланади.

14. Ўз хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган ҳолатларда олинган ҳар қандай совғалар бўйича Академия ходимлари шахсан жавобгар ҳисобланади. Асоссиз қабул қилинган (яъни қонун ҳужжатлари ёки Академиянинг ички меъёрий ҳужжатларида белгиланмаган, хизмат мажбуриятлари билан боғланмаган ҳамда ходим ёки учинчи шахсга ноқонуний ёки адолатсиз имтиёз бериши мумкин бўлган) тақдирда, ҳолат коллегиял тартибда кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинади.

Академия ходимлари томонидан ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган ҳолатда олинган совғаларни Академиянинг балансига кирим қилиш бўйича қарор қабул қилинганда Ишлар бошқаруви бўлимига далолатнома асосида топширилади.

Ушбу талаблар “Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ ва ISO 37001 стандартининг совғалар ва мос келишувлар бўйича белгиланган қоидаларига уйғун ҳолда жорий этилади.

15. Ишлар бошқаруви бўлими Академия ходимлари томонидан қабул қилиб олинган совғаларнинг қийматини аниқлайди, уларни сақлаш чораларини кўради ҳамда ходимлар томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан қабул қилинган совғалар бўйича ушбу Сиёсатнинг иловасига мувофиқ шаклдаги реестрни юритади.

Халқаро ва бошқа расмий тадбирларда Академия ходими совғани қабул қилиш жараёнида совға берувчидан совғанинг қийматини тасдиқловчи ҳужжатларни (совғанинг қийматини тасдиқловчи савдо чекини ёки савдо квитанциясини ёхуд бошқа ҳужжатларни) сўраб олади.

16. Академия ходимида совғанинг қийматини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлмаса, Ишлар бошқаруви бўлими томонидан совғанинг қиймати аниқланади.

Бунда, совғанинг бозор нархи савдо дўконлари, интернет ҳамда бошқа манбалар ва усуллар орқали ўрганилиб, унинг ўртача қиймати аниқланади ва унинг натижаси бўйича баённома расмийлаштирилади.

17. Совғани балансга кирим қилиш Бухгалтерия ва режа-молия бўлими томонидан амалга оширилади.

18. Халқаро ва бошқа расмий тадбирларда тақдим этилган тез бузиладиган маҳсулотлар (табiiй гулдаста, ширинликлар ва ҳ.к.), шунингдек канцелярия тўпламлари совға сифатида расмийлаштирилмайди ҳамда ушбу совғалар Академия ходими томонидан ихтиёрий равишда тасарруф этилади.

19. Академия ходимлари хизмат вазифаларини бажариши билан

боғлиқ ҳолатларда меҳмондўстлик белгиларини қабул қилишда:

прокуратура органлари ёки бошқа давлат органлари, шунингдек ташкилотлар (муассаса)лар ходимларининг ҳисобидан овқатланиш ҳамда кўнгилочар жойларга (шу жумладан, ресторан, бар, кафе, чойхона ва бошқалар) бирга бориш;

бошқа шахслар ҳисобидан транспорт (такси, автобус, поезд ва самолёт) ва яшаш харажатларини қоплаш билан боғлиқ харажатларни амалга ошириш тақиқланади.

20. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида амалга ошириладиган хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказиладиган халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан совғанинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 (тўрт) бараварига тенг ва ундан кўп бўлмаган миқдорда эканлиги аниқланган тақдирда, совға Академия ходимида қолдирилади ва у томонидан ўз ихтиёрига кўра тасарруф этилади.

Бунда, Академиянинг Ишлар бўлими ходими томонидан совғанинг ходимга топширилганлиги бўйича далолатнома расмийлаштирилади ва иловага мувофиқ тартибда реестрда юритилади.

Ушбу бандининг биринчи хатбошисида кўрсатиб ўтилган совғанинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 (тўрт) бараваридан ортиқлиги аниқланган тақдирда, совға Молия-иқтисод бўлими томонидан Академиянинг балансига кирим қилинади.

21. Академия ходимларига уларнинг шахси билан боғлиқ байрамлар (туғилган кун, фарзанд туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни ва тўй маросимлари)да берилган, хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бўлмаган совғалар ходимнинг шахси билан боғлиқ совғалар деб тан олинади.

22. Бундай совғаларни Академия ходимлари ўртасида ўзаро берилишида қуйидаги талабларга риоя қилиши лозим:

жамоавий тартибда тақдим қилиш;

нима муносабат билан берилаётгани ифодаланиши;

совғанинг умумий қиймати (барча солиқлар ва йиғимларни ҳисобга олган ҳолда) 5 (беш) базавий ҳисоблаш миқдоридан ошмаслиги;

Академиянинг битта ходими бошқа ходимга совға учун сарфлайдиган харажат суммаси, ҳар бир ҳолатда 1 (битта) базавий ҳисоблаш миқдоридан ошмаслиги керак.

23. Академия номидан халқаро конференцияларда, симпозиумларда ва бошқа ишбилармонлик (хизматга оид) йиғилишларда совғалар бериш Академия бошлиғи топшириғи билан амалга оширилади.

24. Совғани қабул қилишнинг қонунийлиги тўғрисида шубҳа туғилган ҳар қандай ҳолларда Академия ходими Шахсий хавфсизлик бўлимига маслаҳат сўраб мурожаат қилиши лозим.

3§. Хизматга ва докторантурага танлаб олиш, ходимларни аттестациядан, лавозимдан лавозимга ўтказиш ва моддий рағбатлантириш

25. Академияга хизматга ва докторантурага танлаб олиш, уларни аттестациядан ўтказиш ва фаолиятини баҳолаш, шу жумладан мукофот пулларини тўлаш, устама ҳақлар ва бошқа турдаги мукофотларни белгилаш жараёни барча ходимлар учун шаффоф, тенг ва холис бўлиб, ушбу Сиёсатнинг асосий тамойиллари ва талабларига мувофиқ келади.

26. Академияда ходимларни мукофотлашга асос бўлиб хизмат қиладиган, улар фаолиятининг асосий кўрсаткичларини баҳолаш тартиби ва мезонлари ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Ушбу кўрсаткичлар холис, ошкора ҳамда Академия ходимлари томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

27. Ҳар бир ходим ўзига ҳисобланган мукофот пули ва (ёки) белгиланган устама миқдори тўғрисида савол билан Академиянинг Кадрлар бўлими ёки Бухгалтерия ва режа-молия бўлимига мурожаат қилиши мумкин. Бунда, Академиянинг Кадрлар бўлими ёки Бухгалтерия ва режа-молия бўлими ходими мурожаат қилган ходимга унга мукофот пули ва (ёки) устама белгиланиши тартиби тўғрисида виждонан ва тўлиқ маълумот бериши лозим.

28. Докторантларнинг ҳимоя жараёнлари ҳар бир босқичи жамоатчиликка очиқ ва шаффоф тарзда амалга оширилади. Докторантларга стипендиялар улар томонидан тасдиқланган режаларга мувофиқ эришилган натижаларга кўра тўлаш ишлари амалга оширилади.

4§. Контрагентлар ва учинчи шахслар билан ўзаро муносабатлар ҳамда мулкни бошқариш

29. Академия ушбу Сиёсатнинг тамойиллари ва талабларига зид бўлган ҳар қандай тўловлар ва (ёки) шу каби коррупциявий хавф-хатарларни келтириб чиқарувчи хатти-ҳаракатларни амалга ошириш учун маҳсулот етказиб берувчиларни, пудратчиларни ва бошқа учинчи томонларни жалб қилмайдилар.

30. Академия контрагентлар билан муносабатларда ўз фаолиятини амалга оширишида қонунийлик ва шаффофлик тамойилларига амал қиладилар.

Академия танлашнинг холис мезонларидан фойдаланишга асосланган, маҳсулот етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа контрагентларни танлаб олишнинг ҳаққоний, очиқ ва шаффоф жараёнини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқлигини таъминлайди.

Сотиб олинadиган маҳсулотнинг баҳосини аниқлашнинг шаффоф тартибини Академия ички ҳужжатлари билан тартибга солинади.

31. Контрагент билан ўзаро ҳамкорликда:

контрагентнинг ишончилигини, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги, Ўзбекистон Республикаси

қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академиясида харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш регламентига мувофиқ Академия ходимлари билан манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслигини текширилади;

контрагент (танлаш/тендер ғолибини ва тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид контрагентини) Академиянинг коррупцияга қарши таъминлари ва талаблари ҳақида улар билан тузиладиган шартномалар матнига коррупцияга қарши махсус шартларни қўшган ҳолда хабардор қилинади.

32. Академия мулкни бошқаришда:

хусусий шериги ва контрагентлардан Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, қонунчилик ҳужжатларида, шунингдек белгиланган талаблар ва тақиқларга риоя қилишни талаб қилади;

мулкни бошқа шахсга ўтказиш, ижарага бериш, реклама жойлаштириш, хизматларни аутсорсингга ўтказиш билан боғлиқ ҳар қандай шартнома қонунчиликка мувофиқ очик ва рақобатли харидларни таъминлайди;

контрагент томонидан мулкни бошқа шахсга ўтказиш, ижарага бериш, реклама жойлаштириш, хизматларни аутсорсингга ўтказиш билан боғлиқ ҳар қандай шартнома Академия томонидан қонунчиликка мувофиқ очик ва рақобатли харид жараёни натижаларига кўра тузилиши керак.

5§. Хайрия ва ҳомийлик фаолияти

33. Академия қонунда назарда тутилган ҳолларда хайрия ва ҳомийлик ёрдамни қабул қилиши мумкин. Академиянинг ўзи бошқа шахсларга ёки ташкилотларга хайрия ва ҳомийлик кўрсатмайди, агар бундай ҳуқуқ қонун ҳужжатлари ёки Академия Уставида алоҳида белгиланмаган бўлса. Бундай ёрдамни олган пайтда Академия манфаатлар тўқнашувига йўл қўймайди, маблағларни қонунда ва (ёки) шартномада белгиланган мақсадлар учун самарали сарфланишини таъминлайди, шунингдек ўзининг расмий веб-сайтида ушбу тадбирларни ёритади.

6§. Академия фаолиятини видеотасвирга олиш ва трансляция қилиш

34. Академияда фуқароларни қабул қилиш, таълим ва илмий фаолиятни назорат қилиш учун тегишли хоналарда видео ва аудио ёзув камералари жойлаштирилади, уларнинг ёзувлари Академиянинг масъул ходимлари томонидан доимий равишда кузатиб борилади.

35. Академиянинг расмий веб-сайтига коррупция хавфи юқори бўлган тегишли жараёнларнинг онлайн трансляциялари жойлаштирилади.

7§. Ички идоравий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси

36. Ички идоравий ҳужжатларда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон яратадиган омиллар келиб чиқишининг олдини олиш, аниқлаш ва истисно қилиш мақсадида уларни Юридик бўлим ва Шахсий хавфсизлик бўлими томонидан коррупцияга қарши экспертидан ўтказилади.

8§. Академия ходимлари ва таълим олувчиларига маслаҳат бериш

37. Академия ходимлари ва таълим олувчиларида коррупцияга қарши амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари, ушбу Сиёсат қоидалари ёки коррупцияга қарши бошқа чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай саволлар юзасидан Шахсий хавфсизлик бўлимига тўғридан-тўғри ёки “71-202-04-96 (ички рақам: 1917)” ишонч телефони орқали мурожаат қилишлари мумкин.

9§. Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бериш

38. Академия ходимлари ва бошқа шахсларда ходимлар хатти-ҳаракатларининг қонунийлиги ва (ёки) одоб-ахлоққа мувофиқлиги тўғрисида шубҳа туғилса, шунингдек коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилишига гумон ёки содир этилганлиги фактлари бўлса, улар бу ҳақида Академиянинг расмий алоқа каналлари орқали хабар беради.

39. Академия ўз ваколатлари ва мавжуд имкониятлари доирасида ҳуқуқбузарлик тўғрисида ишончли маълумот берган шахснинг махфийлигини таъминлайди (қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

40. Академия ходимларнинг шубҳали ҳаракатлари ёки улар томонидан ушбу Сиёсатнинг коррупцияга қарши талабларини бузиш эҳтимоли ҳақида хабар берган ходим(шахс)ларнинг манфаатларини ҳимоя қилади ва қасос олишга қаратилган ҳаракатларга, шу жумладан ишдан бўшатиш, лавозимни пасайтириш, камситиш, босим ўтказиш, таъқиб қилинишига йўл қўйилмаслигини кафолатлайди.

41. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарларни қуйидаги расмий алоқа каналлари орқали бериш мумкин:

а) Академиянинг ижтимоий тармоқ каналлари:

Telegram – [@HMQAanticor]

Facebook – [www.facebook.com/ProsecutorAcademy]

Instagram – [www.instagram.com/proacademyuz/]

б) Академиянинг proacademy.uz расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакллар;

в) Академиянинг электрон почта манзили: info@proacademy.uz;

г) тўғридан-тўғри Академия раҳбариятига фуқароларни қабул қилиш кунлари;

д) Академиянинг расмий почта манзилига келиб тушган ёзма

мурожаатлар;

е) шикоятлар қутиси;

ж) Шахсий хавфсизлик бўлимига: (71) 202-04-96 (ички рақам: 1917) телефон рақами орқали.

42. Академиянинг расмий алоқа каналларига келиб тушган барча хабарлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Академиянинг ички ҳужжатларига мувофиқ Академиянинг масъул бўлинмаси ёки ходими томонидан холис тарзда ва ўз вақтида кўриб чиқилади.

43. Аноним равишда (фақат Академиянинг ижтимоий тармоқ орқали) юборилган мурожаатлар (хабарлар) ҳам кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

Шахсини ошкор қилинмаслигини истаган муаллифнинг мурожаатини (хабар) кўриб чиқишда:

мурожаатга (хабарга) жавоб бериш учун муаллифни идентификация қилиш имкониятини бермаслигини;

зарур қўшимча маълумотларни олишнинг имконияти йўқлиги сабабли мурожаатни (хабарни) тўлиқ ва ҳар томонлама текширишни амалга ошира олмаслигини ижтимоий тармоқ орқали маълум қилинади.

44. Академияда коррупция фактлари тўғрисида виждонан хабар берган Академиянинг ходимлари, агар бу маълумотлар тасдиқланган бўлса, ички ҳужжатларга мувофиқ рағбатлантирилиши мумкин.

45. Барча алоқа каналларининг ишлаши ва олинган хабарларни қайта ишлаш ва кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг коррупцияга оид ҳаракатлар тўғрисида хабарларни қабул қилиш ва қайта ишлаш регламентига мувофиқ амалга оширилади.

5- боб. Қайта кўриб чиқиш ва ўзгартиришлар киритиш тартиби

46. Ушбу Сиёсат қуйидаги ҳолларда қайта кўриб чиқилади ва ўзгартирилади:

Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ўзгарганда;

коррупцияга қарши курашишда самарасиз назорат ва тартиб-таомиллар аниқланганда;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларни такомиллаштириш мақсадида;

Академиянинг ташкилий тузилмаси ва (ёки) унинг вазифаларини бажариш хусусиятлари ўзгарганда.

6- боб. Якуний қоидалар

47. Мазкур Сиёсат талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

